

## **ФОРОБИЙ ТАЛҚИНИДА ИНСОННИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ: ГНОСЕОЛОГИК ВА ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВ**

**Хўжақулова Мунира Ислом қизи**

Астрахан давлат техника университетининг ассистенти

Тел: 97.703.06.82

Қадимги дунё донишмандлари ичида инсон, борлик, билиш масалалари хусусидаги Пифагор, Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқа олимларнинг фикрлари эътиборга лойиқ. Арасту фикрига кўра, инсон ҳайвоннинг бир туридир. Табиатшунослик фанининг бир қисми ҳайвонлар ва уларнинг турларини ўрганadi. Ҳайвон озикланувчи ва ҳис қилувчи моддий жавҳар бўлганлиги учун баъзан уни шунчаки модда ё жисм деб ҳам аташ мумкин. Ҳар қандай жисмнинг миқдорий ва сифатий ўлчовлари бўлади. Тенглик ва тенгсизлик ҳар қандай миқдорий муносабатларга хос бўлгани каби инсон ҳам бир-биридан моддий томони, маънавий олами, жисмоний тузилиши, кучи, озикланиши билан ўзаро фарқ қилади. Табиатшунослик фани асосан инсонни биологик томондан ўрганса, руҳиётшунослик инсоннинг руҳиятини, унга таъсир этувчи ташқи руҳий кучни ўрганadi. Моддий (жисм) бўлган инсонни ҳам моддий жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан ўрганилишига сабаб унинг ақл эгаси эканлиги ва дунёқарашининг шаклланишидадир.

Арасту фикрларини шарҳлаган ва давом эттирган Абу Наср Форобий инсоннинг турли жиҳатларини тадқиқ қилган. Масалан, бир асарида инсонни жамиятдаги ўрни ва аҳамияти хусусида фикр юритса, бошқа асарида инсонни раҳбар – Раис сифатидаги вазифалари, кейинги асарида инсон ақли ва унинг чеклилиги ва чексизлиги сифатларини ўрганган. Бироқ, наздимизда, олимнинг асосий мақсади инсонни бахт-саодатга эришишида ахлоқнинг етакчилигини устувор эканлигини кўрсатиш бўлган. Демак, Форобий таълимотининг марказида инсон турган. Абу Насрнинг ижодидаги фалсафий фикрлар мантиқий асосланганлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга.

Парменид киритган “йўқлик” тушунчасидан келиб чиқиб, онтологик ва антропологик қарашдан аёнки, йўқликдан борлик пайдо бўлди. Инсон ҳам йўқликдан пайдо бўлган. Борликдаги ҳар бир мавжудликнинг сабабчиси ва мавжудлик сабаби бор бўлганидай уларнинг моҳияти ҳам мавжуд. Ашёларнинг моҳияти ягоналиги учун моҳиятлар ақлга қараб фарқланмайди. Масалан, инсон ақлли мавжудот бўлгани учун у моҳиятга эгаю, ҳайвон ақлсиз ва онгсиз бўлганлиги учун у моҳиятга эга эмас деган қараш нотўғридир. Абу Наср

Форобий “Масалалар моҳияти” асарида инсоннинг моҳиятини икки турга ажратади: яширин ва ошкора.

Ошкора моҳият – инсоннинг бутун тана тузилиши ва тана аъзоларининг ҳиссий қабул қилиши. Инсоннинг руҳий кучлари эса яширин моҳиятдир. Инсон руҳий кучлари (яширин моҳият)ни Форобий фаолият ва билиш деб кўрсатади. Унинг таъкидлашича фаолият уч турга бўлинади:

- a) ўсимлик фаолияти
- b) ҳайвон фаолияти
- c) инсон фаолияти

Билиш ҳайвоний (ҳиссий) ва инсоний турларга бўлинади. Бу 5 тур инсонда мавжуд бўлиб, улардан баъзилари ўсимликлар ва ҳайвонлар билан умумийликка эгадир. Форобийнинг бу фикрлари тирик мавжудотларнинг бири-бири билан ўзаро алоқадорлигини кўрсатади. Хусусан ўсимликларга хос бўлган фаолият сифатида у ўзини сақлаш, ўсиш ва кўпайишини кўрсатади.

Ҳайвоний кучнинг вазифаси эса, фойдали бўлган нарсаларни жалб қилиш ва зарарли бўлган нарсаларни ҳайдашдан иборатдир. Улардан биринчиси хоҳиш билан кейингиси кўрқув билан боғлиқдир (масалан, таом масаласида, ижобий истак овқатланиш бўлса, ҳаром лўқма зарарли нарсдан воз кечиш). Бу куч ғазаб (нафрат) ила бошқарилади. Булар инсоннинг кучли томонлари ёинки кучларидир. Бу масалада Форобийнинг ўзига хос ёндошувини кўришимиз мумкин. У ўсимликларда ҳам ўзини сақлаш (игна барглилик), ўз турини давом эттириш каби хусусиятларни кўрсатиб ўтади. Кўпинча бу хусусиятлар ҳайвоний кучларга хос деб кўрсатилади<sup>1</sup>.

Инсон фаолияти деб ёзади Форобий, мақсадга эришиш учун эзгулик ва фойдалиликни танлашдан иборат бўлиб, одатда эҳтиётсизлик адолатга нисбатан устун туради. Инсон ўз фаолиятида ақлга асосланади. У тажрибаси орқали бошқа одамлар билан муносабатда бўлишни ўрганади. Агар, илмли бўлса, бу муносабат яна ҳам гўзалроқ бўлади. Шу ўринда Форобийдан кейин яшаган файласуф олимлардан Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолоддин Давоний, Жалолоддин Румий ва Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг инсон моҳияти ҳақидаги фикрларини таҳлил қилса, Форобий ғояларининг аҳамиятини янада чуқурроқ тушуниш мумкин бўлади.

Давоний инсоннинг ақлий қобилиятига катта баҳо беради: инсоннинг ҳар бир ҳаракати, қилган иши ақлдан келиб чиқиши лозим дейди. Унинг бу қараши “Иккинчи муаллим”нинг қарашига тенгдир.

<sup>1</sup>Қаранг: Естественно-научные трактаты. Основы мудрости. А-А. Наука. С. 260-262.

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111) руҳ камолоти босқичлари ҳақида фикр юритиб, ўсимликлар руҳи, ҳайвонот руҳи, инсоний руҳ, фаришталар руҳи ва илоҳий руҳларни фарқ қилган. Донишмандлар ҳайвоний руҳдан инсоний руҳга илм-маърифат, машаққат чекиш билан дилни ҳайвоний истак, майллардан тозалаш, поклаш билан етиш мумкинлигини айтади. Яъни барча инсонларга маънавий камолот йўллари кўрсатади<sup>2</sup>. Улар инсон маънавий борлиги, нафс ҳақидаги фикр-мулоҳазаларининг кадр-қиммати ва бугунги кундаги аҳамияти хусусида фикр билдирганлар. Абу Наср Форобий инсон ва ҳайвонни бир-биридан фарқ қилдирувчи белгиси сифатида унинг руҳини эътироф этади. Инсон руҳи орқали куч олиб, тана аъзоларини ҳаракатга келтира олиш билан бирга, тана аъзоларини ҳаракатга келтира олмайдиган кучининг номи ақлдир дейди “Иккинчи муаллим”.

Ғаззолийнинг фикрича, авом одамлар олий ҳақиқатларни билишга тоқатлари етмайди. Нафс (руҳ) чавандозга, бадан отга ўхшайди. Чавандознинг кўрлиги отнинг кўрлигидан зарарлироқдир. Унингча ақл қалбга кирган нурдир. Ғаззолий инсоннинг феълидан келиб чиқиб, инсоннинг ҳулқ-атворидан моҳиятини очиб берган.

Форобийнинг фикрича инсонда бир нечта кучлар мавжуд: инсонни озиқланиш кучи, ўсиш ва кўпайиш кучи, идрок кучи эса ташқи куч ва ички ҳиссиёт ёинки, тасаввур кучидан иборат, таҳмин қилиш кучи, хотира кучи, фикрлаш кучи ҳамда ғазаб ва эҳтиросни ҳаракатга келтириб, тананинг ҳаракатланишини таъминлайдиган куч турларини санаб ўтади. Бу кучлар инсон танасини ҳаракатга келтира олади ва уларнинг ҳеч бири материя (ҳаюло)сиз мавжуд эмас. Кучлар ҳам ўз навбатида ақл билан боғлиқ<sup>3</sup>.

Абу Наср Форобийнинг илмий меросида у фалсафани хусусан файласуфни барчадан юқори кўйган бўлса, Абу Ҳомид Ғаззолий фалсафа илмини икки йил ўрганиб, фалсафа инсон камоли учун етарли эмас деган фикрда бўлган. Демак, бу икки буюк олимларнинг фалсафани англашдаги ёндашувлари турлича бўлган.

Форобий фикрларини тўлдирган Жалололдин Румийнинг (1207-1273) ҳам фалсафий таълимотининг марказида инсон туради. “Мутафаккир, олимлар белгиларни тўғри топиб сўзлайдилар-у, лекин ғалвирни ҳовучга сиғади деб ишонадилар”- дейди Румий. Аслида эса, ҳамма нарсалардан яқин бўлган борлиқ бу — уларнинг менлигидир. Румий асарларининг, фалсафий таълимотининг бош мавзуси — менликни тадқиқ этишдир. У инсониятни

<sup>2</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат.-Тошкент:”Адолат”. 2005.-Б.13.

<sup>3</sup>Қаранг: Естественно-научные трактаты. Существо вопросов. А.-А. Наука. С. 247-248.

бирлаштирувчи ягона илохий ғояларни олға сурган. Румий ижоди юксак бадиати билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга. Унинг табиат ва жамият ҳодисаларининг доимо ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши, дунёнинг зиддиятлар бирлигидан иборат эканлиги тўғрисидаги қарашлари ғарб файласуфларининг қарашларига ҳам таъсир қилган.

Шоир олам ва одамнинг яратилганлигини, Яратувчининг борлиги ва бирлигини чуқур эътиқод билан эътироф этади. Унинг бундай қарашлари Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа мутафаккирларнинг қарашларининг давоми ҳисобланади.

Форобий “Илм ва санъатнинг фазилатлари ҳақида” китобида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, акциденция – العرض (ал-ораз)дан субстанция – جوهر (жавҳар)га қараб боришини уқтиради. Инсон воқеликни сезги, идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, нутқ воситаси орқали била олади. Абу Наср Форобий билишнинг рационал усулини асослаган буюк мутафаккирдир. У билиш жараёнида кузатув, ҳиссий мушоҳада, баҳс-мунозара усулларидан кенг фойдаланиб, фалсафий тараққиётда эътиборга молик фикрларни илгари сурган. Мутафаккир фалсафий дунёқарашда ақл ва сезгилар воқеликни билишнинг етакчи воситаси сифатида талқин қилинган.

Мутафаккир ҳиссий ва ақлий билиш бир-биридан фарқ қилишини айтган. Ҳиссий билиш шаклида сезги аъзолари ёрдамида ашёлар, нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган сифатларини идрок қилиш мумкин. Ақл билан инсон ашёларнинг сифатларини, абстракциялаш <sup>4</sup> орқали унинг моҳиятини билади.

“Ақл ва нафс инсоннинг бошланғичидир, ... аммо бу бошланғичлар инсонга айланиш учун кифоя қилмайди, чунки инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш, ишлаш (касб-ҳунар)га мухтождир”.

Форобийнинг таълим беришича, инсон ўзининг шу табиий бошланғичлари, хусусан, ақлий билимга ҳаракат қилиши орқали бахт-саодатга, камолотга эришуви мумкин<sup>5</sup>.

“Амалда мақсадга эришишга келганимизда, буни аввало одам ўз нафсини (руҳини) тозалаш орқали ва сўнг бошқаларнинг, бошқа аҳоли ва уйдагиларнинг

<sup>4</sup> Абстракциялаш – ўрганилаётган объектнинг муҳим ва номуҳим томонларининг ажратишиб ўрганилиши.

<sup>5</sup> Ҳайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. //Бахт-саодатга эришув ҳақида. ЎзФА; Т-1963. – Б.187.

нафсини тозалаш орқали қўлга киритади”<sup>6</sup>. Форобийнинг фикрича, инсоннинг рухий қобилиятини мия бошқаради. Инсон руҳини даволаш яхши натижа беради.

Аллома гносеологиясида инсонни билиш орқали Яратганни билиш мумкин дейди. Жисм ва рух диалектикасини очиб беради. У ҳам Имом Ғаззолий каби инсон жисмини отга, руҳини эса чавандозга қиёслайди. Чавандоз отни бошқаради, от чавандозни эмас. Рух жисмни тасаввур ва тушунчалар воситасида ҳаракатга келтиради. Румийнинг таъкидлашича инсонни ҳаракатга ундайдиган нарса унинг тасаввурлари, тушунчаларидир. Форобийда эса бу куч. Инсон ўзлигини билиши орқали нафсини тарбиялаши, гўзал хулқ ва ахлоққа эга бўлиши керак деб таъкидлайди. Нафс инсонда завқ ва орзуларни уйғотади. Ҳақиқатан ҳам, Жалолиддин Румий ва Форобийнинг ижоди, илмий мероси, ғоялари инсонларни эзгуликка, бахтга етаклайди, вақтдан самарали фойдаланиш ва қадрига етишга ундайди. Румий инсон моҳиятини тасаввуф нуқтаи назаридан тушунтирса, Форобий эса, тирик мавжудотларнинг эволюцияси, ўзаро алоқадорлиги нуқтаи-назаридан бу масалага ёндошади.

Жалолиддин Даввоний (1427-1502) Форобийнинг ақл ва нафс ўртасида кураш ҳақидаги қарашларини давом эттирган. Унинг талқинида сабр-тоқатли инсонда ярамас ва тубан одатлар пайдо бўлмаслиги учун ақл хирсга қарши кураш олиб бориши керак. “Муаллими соний”, Жалолиддин Румий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Даввонийда ҳам инсон ва ҳайвон қиёсланган, уларнинг фарқ қилувчи белгиси сифатида ақл зикр этилган ҳамда нафсни бошқариш зарурлигига урғу берилган.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1450 тавал. 1505 ваф.) инсон зотини юксакликка кўтаради, уни бошқа тирик мавжудотлардан юқори қўяди. Унинг асарларида инсоннинг хулқ-одоби, ахлоқий фазилатлари, инсонпарварлиги, ўй-ташвишлари, ўзгаларга ёрдами, ҳайр-эҳсони, меҳр ва муруввати баён этилган. Ҳусайн Воиз Кошифий Абу Наср Форобий каби ахлоқ, ақл, руҳият ва инсон қувватлари мавзусида фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, инсонда икки хил қувват ва руҳият бўлиб, биринчисида билимга, ақл билан иш тутишга, хулқ-одоб ва художуликка мойиллик бўлади. Иккинчисида ҳайвоний хирс устунлик қилади. Зеро, ундай одам еб-ичиш, зинокорликка майл қўяди дейди.

Ўтмишдан аёнки, мутафаккирлар одамларни ахлоқий меъёрлар асосида бирлаштириш ғоялари асосида ўз фикрларини баён қилишган. Румийда менлик тадқиқ этилган бўлса, Ибн Синода инсон асосан биологик мавжудот, Имом

<sup>6</sup> Абу Наср Форобий. Рисолалар // Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида. Т.: Фан-1975., - Б.24.



Ғаззолий асарларида инсон эътиқод эгаси эканлиги, эътиқодсиз яшай олмаслиги, Форобийда инсон жамиятнинг ажралмас субъекти ва объекти бўлган бироқ, шу ва бошқа олимлар инсонда руҳ ва ақл мавжудлиги, инсон билимсизликдан билиш томонга қараб ҳаракат қилишини эътироф этишган.

Оддий ва шиддат ила ўтадиган ҳаётда, инсон ўз мақсадларига эришиш жараёнида ҳайрли ва фойдали нарсаларни танлаб олади. Тажрибадан орттирилган соғлом ақл уни мақсадларга етказди. Билиш ўзидан из қолдиради. Билиш ҳолати мум ва муҳрга ўхшайди. Мум муҳрни ўз бағрида тўлиқлигича қамраб олиб, ундаги бор белгилар, маълумотни ўзида акс эттирганидан сўнггина ўз оғушидан муҳрни қўйиб юборганидай. Билувчи (субъект) ва билинувчи (объект) ўртасида доимий боғлиқлик сақланиб қолади. Идрок бор нарсани хотирага ишониб топширади ё юклайди. Қабул қилинаётган нарсга йўқ бўлса ҳам унинг тасвири хотирада қолади<sup>7</sup>.

Бу ҳолат худди билишдаги ҳолат кабидир, яъни билиш жараёнида ҳам инсон объектни ўрганиб бўлгандан сўнг уни асосий диққат эътиборидан четлатиши мумкин. Инсон ва ҳайвон табиати билимсизликдан билиш томон ҳаракат қилиб боради. Ҳайвонда бунга сезги ва идрок туртки бўлса, инсонда сезги, идрок, ақл, онг етакчилик қилади. Инсон доим борлиқни билишга, ундаги ашёлар моҳиятини англашга, азалий ва абадийлик масалаларини ўрганишда, ўрганаётган объектни ҳар томонлама ўрганиб, олган билимларини хотирасига муҳрлаб боради ва кейинги билимлари билан уйғунлаштириб, янги билимларни ҳосил қилади. Инсон аслида унутувчи бўлиш билан бирга у хотирасида нималарнидир маълум бир вақт давомида сақлаб қолиш имкониятига эга.

Ҳайвондаги (ҳиссий) билимлар тананинг ташқи қисмлари томонидан ёки унинг ичида амалга оширилади. Ташқи билиш беш сезги ила амалга оширилса, ҳайвон ички билиши эса ваҳм<sup>8</sup> орқали амалга ошади.

Бугунги куннинг баҳсли мавзуларидан бири бу инсон ва ҳайвонларда ваҳм бор ёки йўқлик масаласи. Бир гуруҳ олимлар ваҳм ҳам ҳайвонда ҳам инсонда мавжуд дейдилар. Буларга қарама-қарши фикр билдирганлар: “Ваҳм фақат ҳайвонда бор, инсонда мавжуд эмас”- деювчилар, ваҳмга қуйидагича таъриф беришади: ҳеч қандай ўзгаришларсиз авлоддан-авлодга ўтадиган ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси<sup>9</sup>. Шундан келиб чиқиб, улар инсонлар гала-пода бўлиб эмас, жамият бўлиб истиқомат қилишларини аргументлар билан асослашади.

Юқоридаги фикрлар асосида мутафаккир инсон, ўсимлик, ҳайвонда сезги борлигини, ваҳм инсонда ҳам мавжуд бўлиб, у мавжуд маълумотлар асосида

<sup>7</sup>Қаранг: Естественно-научные трактаты. Основы мудрости. Наука. Алма-Ата. 1987. 260-262 С.

<sup>8</sup>Ваҳм- бу инстинкт.

<sup>9</sup>Инстинкт: гала ва пода бўлиб яшаш, озикланиш, ҳимояланиш, насл қолдириш, наслга ғамхўрлик қилиш.

тахминий билиш шаклини келтириб чиқаради деган фикрда. У инсондаги кучларни қуйидагича таҳсимлайди:

- маълумотларни “сақловчи” куч. У билан қисман билиш мумкин.

- “тафаккур” кучи сақланадиган маълумотлар базасидаги маълумотларни инсон руҳи ва ақли кўмагида қўшиб, айириб, таҳлил қилади. У фақат инсонга тегишли.

- агарда “тафаккур” кучи таҳмин асосида фаолият юритса, у “тасаввур” (хаёлий) куч бўлади.

Форобийнинг бундай когнетив таҳлилининг имкон қадар мукамаллик билан берганлиги у инсонни туб моҳияти, физиоанатомияси, руҳиятини чуқур ўрганганлигидан далолат токи, кўпчилик олимларда бундай таҳлилни кўрмаймиз.

Оддий одамларнинг заиф рух (руҳият)и ички идрокка мойиллашса, ташқи идрокни йўқотади, ташқи идрокка мойиллик кўрсатса, ичкини йўқотади. Эшитган нарсаларимиз асосида кўзимиз кўрқади, худди қоронғуликда кўрқинчли товушларни эшитган одамнинг кўзига ёмон нарсалар кўринишининг эҳтимоли юқори. Инсонда кўрқувга нисбатан зарурат мавжуд, кўрқув бўлмаганда эди инсон не не жоҳилликларни амалга оширган бўларди, шунинг учун кўрқув нафси жиловлаб тура олади. Инсонда тафаккур хотирлашни рад этганда, хотира тафаккурлашни рад этади. Бироқ, Муқаддас Рухда ҳеч нарса ҳеч нарсага ҳалақит бермайди.

Юқорида Форобий келтирган мисолда Муқаддас Рухнинг мукамаллигининг исботи ва инсоннинг ноқислигини англашимиз мумкин. У инсонни ақли билан ҳайвон ва ўсимликдан устун деб, билиши билан бирга Биринчи Сабабдан заифлигини аргумент ва аналогия асосида далиллаган.

Инсонда аксарият ҳолларда ақл ва нафс ўртасидаги кураш доимий такрорланувчи жараён ҳисобланади. Кўрқувнинг ҳисобига баъзан нафс ақлга тобелик қилади. Инсон ақли қанчалик заиф бўлса, унинг руҳи ҳам кучсизлик қилади. Инсоннинг субстанцияси: ақл ва онг инсондан ажралмайдиган моҳият. Абу Наср талқинига кўра ақл биргина моддий борлиқни билиш билан тўхтаб қолувчи феномен эмас. Инсонга оид хусусиятлардан бири бу унинг туш кўришидир. Олимнинг фикрига кўра, одам хотиржам бўлганда, сезги аъзолари тинч бўлган ҳолда у туш кўради ва шу кўрганларини ҳам хотирасига муҳрлай олади. Инсон шунақа қизиқувчан, билишга қараб интилувчи ақлли мавжудотки, у кўрган тушини ҳам билишга, унинг рамзий белгилари бўлса, уларни ҳам аниқлаштиришга ҳаракат қилувчи мавжудот.

Олимнинг фикрларини умумлаштириб шундай тўхтамга келиш мумкин, ақл билан билиб олинадиган нарсаларни ҳиссий қабул қилиб бўлмайдиган (формула, техника, технология) ва аксинча ҳиссий қабул қилинадиган нарсаларни ақл билан билиб бўлмайдиган (туш, рух, жон) уларни фақат ҳис қилиш мумкин. Ҳар қандай ҳиссий билиш шакли инсон аъзоларига эҳтиёж сезганидай ақлий билиш шакли ҳам инсон аъзоларига эҳтиёжманддир. Объектни хотирага муҳрлашда уни яна хотирадан кўтаришда албатта инсон аъзосига эҳтиёж, талаб мавжуд.

Жамиятнинг фозиллиги хусусидаги қарашлар Абу Наср Форобийнинг бир қанча асарларида баён этилган бўлиб, шулардан бири “Фозил одамлар шахри аҳлининг қарашлари ҳақидаги китоби”да акс эттирилган ва бу асардаги ақл, инсон концепцияси, адолат, фозил жамоа ва Раис ҳақидаги фикрлар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари учун ўзаро тинчликда яшашмоқлари лозим<sup>10</sup>”-дейди Абу Наср Форобий ва унинг ушбу фикри ҳар бир шахсга оиддир ҳамда бугунги кунда тинчликни сақлаш ва уни қадрига етишдаги зарурий ҳикматларидан бири ҳисобланади чунки, ҳар бир шахс тинчликни сақлашга ҳаракат қилса, жамият тинч ва фаровон бўлиш натижасида фозилликка эришиш эҳтимоли юқори бўлади.

Файласуфларнинг “шахс муҳимми ёки жамият?” мавзусидаги баҳслари мавжуд. Албатта, бу ерда хусусан, учинчи фикр ҳам фараз қилинади ва у ҳам “ҳар иккаласи ҳам муҳим”,-деган фикр бизнинг назаримизда шу фикр тўғридир; шу ўринда “фалсафа қонуни”дан келиб чиқиб, бошқа бир баҳс вужудга келади. Унга кўра қонуннинг асосий мақсадларидан бири “шахснинг бахтли бўлишими?” ёки “жамиятнинг қудратли бўлишими?”.

Шахс омили тарафдорлари дейдилар: “Қонун чиқарувчи имкон қадар шахсларнинг осойишталиги, фаровонлиги, тўқлиги ва озодлигини назарга олиши мумкин, фарднинг<sup>11</sup> хушбахтлиги биринчи даражали аҳамиятга эгадир, жамият манфаати баҳонасида шахсларни шодлик ва саодатидан маҳрум этмаслик лозим, бу фақат жамиятнинг пароканда ва талон-тарож бўлиши хатари пайдо бўлганда мумкиндир”. Фақат шундай ҳолатда жамият манфаати шахс манфаатидан юқори қўйилади, зеро агар жамият талон-тарож қилинса, шахс ҳам талофат кўради. Дарҳақиқат бу ерда ҳам шахснинг аҳволи ва манфаатига риоя қилинган. Аммо жамият омили тарафдорлари айтадилар:

<sup>10</sup> Форобий. Рисолалар. Т.: “Фан”, 1975. Б.135.

<sup>11</sup>Фард –ягона, якка, танҳо, ёлғиз.



биринчи даражада аҳамиятга молик бўлган нарса жамиятнинг қудратли бўлишидир. Қонун чиқарувчилар ва сиёсатчилар жамиятнинг қудрати ва сарафрозлиги<sup>12</sup> ва иззат-обрўси учун ҳиммат кўрсатишлари лозим. Шахснинг ор-номуси, осойишталиги, шодлиги, саодат ва эркинлиги ва унга боғлиқ ҳар бир нарса жамиятга фидо қилиниши лозим, жамият саодатли бўлмоғи лозим, акс ҳолда ундаги барча шахслар бахтсизликка учрайди.

Бизнингча, агар етакчилар шахс манфаатларини ўйласалар, жамият тараққиётини пасайиб кетмаслиги учун, ўз мамлакатлари фуқароларининг осойишталиги ва жамиятдаги шахсларнинг умум иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган режаларни тузадилар. Агар жамият манфаатларини ўйласалар шахсларнинг эҳтиёжларига таважжух<sup>13</sup> қилмасдан, иложи борича келажак жамиятининг тараққиётини таъминлайдиган режаларни тузишга ҳаракат қиладилар. Жаҳондаги қудратли мамлакатларнинг келажак режалари шундай тафаккурдан иборат. Бундай дастурлар умумий таълим ва тарбиядан юқорироқ даражани эгаллаган. Бундай дастурларни тузувчилар учун муҳим бўлган нарса мамлакатнинг сарафрозлиги ва қудратидир.

Бу мавзу шарҳидан мақсад, “жизнинг ҳисоби умумий ҳисобдан фарқ қилади”, деган нуқтага таважжух қилишдир. Жиз учун зарарли ва хунук бўлган нарса кул учун фойдали ва гўзал бўлиши мумкин<sup>14</sup>.

Жамият манфаатлари тарафдорлари айтадилар: биринчи навбатда жамиятнинг қудрат ва шуқуҳига аҳамият бериш лозим. Шахс омили тарафдорлари айтадилар: биринчи навбатда шахсларнинг манфаат, осойишталик ва эркинликларига эътибор бериш лозим. Қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам шахс ҳам жамиятнинг фаровонлиги, тинчлиги инобатга олиб қабул қилиниб, амал қилинса, бахтли жамият вужудга келади.

Инсон характери ҳамма шахсларда бир хил бўлмайди. Характер шахсларнинг табиий хусусиятларига мувофиқ фарқланади. Инсон борлиқни билиш жараёнида, у атроф-муҳитни турли методлар асосида тадқиқ қилади. Икки шахснинг ташқи белгилар асосида англаш лаёқати тенг эмаслиги тасдиқланган, баъзан шундай ҳодисалар рўй берадики, бир шахснинг зеҳни ўткир бўлса, яъни бир предметнинг барча хусусиятларини тез англаса, бошқаси эса аксинча суст англайди, предметни фақат бир неча хусусиятларни тушунади. Яна баъзида шундай ҳолат рўй берадики, икки шахс бир предметни ташқи белгиларини англаш лаёқати тенг эмаслиги ҳам аниқланган. Биринчиси

<sup>12</sup> Сарафроз – сазовор бўлиш, мартабага эришиш, бирон-бир мақом ё муқофотга эришиш, бошнинг қўкка етиши, иззат-ҳурмат кўрсатиш.

<sup>13</sup> Таважжух – юзланиш, диққат эътиборни бир жойга қаратиш, руҳий муурожаат, қараш.

<sup>14</sup> Мутахҳарий М. Ислоҳ фалсафасида илоҳий адолат масаласи. “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти; Техрон-Тошкент. 2007. Б. 123-124. (184 б. иборат)

предметнинг афзалликларини, англаб турувчи белгиларини тез англайди, иккинчиси эса, предметнинг таянч (базавий) белгиларини англаб етади. Биринчи одам солиштириб, таққослаб предметнинг нималигини билса, иккинчиси унинг ўзи нималигини билади. Масалан кимдир фалсафа фанининг нималигини билиш учун уни тарих, адабиёт, ахлоқшунослик фанлари билан қиёслаб ўрганса, иккинчи одам фалсафанинг моҳиятини унинг қонун ва категорияларининг моҳиятини ўрганиш орқали “фанларнинг отаси”ни англайди. Форобийнинг фикрига кўра, улар куч-қудратда тенг бўлишлари мумкин, лекин биринчиси англагани асосида бошқаларга таълим бера олади ва раҳбарлик қила олади (кўрсатма бера олади). Иккинчиси эса ўқитиш ва кўрсатма бериш қудратига эга эмас. Улар моддий ҳатти-ҳаракатларни намоён қилишда ҳам фарқланишади. Демак, инсонлар лаёқатига кўра бир-биридан фарқланадилар. Уларнинг баъзилари предметнинг барча хусусиятларини англаб олсалар, бошқалари эса фақатгина бир неча хусусиятларинигина англайдилар.

Форобий, Ибн Сино ва Берунийлар турли фанларни яхши тушуна олиш билан бирга, соҳаларда устозларидан ўтиб, фанларни ўзгаларга тушунтира олиш қобилиятига ҳам эга бўлганлар. Уларнинг қарашларида жамият манфаатлари ва унинг ривожини етакчилик қилган.

Ахлоқ инсонга жамиятда ҳаракатланиш учун етакчи восита ҳисобланади. Ҳар бир инсонда муаллимга эҳтиёж бор. Ўқитувчи инсонни мукамал даражада тарбиялаш (ўқитиш)и мумкин. Инсонлар табиатан турли ақлий ва ахлоқий даражада бўлади. Шунингдек, улар зотига, ҳунарига ва илмига мос равишда турли табақаларга бўлинадилар. Улар таълим бериш ва бошқариш лаёқатида ҳам фарқланишади. Кўрсатма ва таълим беришда мутахассис бўлган кишини “Муаллими соний” раис, яъни бошқарувчи дейди.

Юқоридаги фикрлар асосида Форобий педагогми ёки сиёсатчими деган масалага биз уни файласуф деймиз. Форобий ижтимоий-сиёсий масалаларга айнан фалсафа нуқтаи назаридан ёндошганлигини кўриш мумкин. Унинг асарларида фозил шаҳарнинг зарурлиги ҳақида ғоя мавжуд. Фозил шаҳарнинг асосий мақсади одамларни бахт-саодатли бўлиши. Олим тараққиёт, маданият, илм-фаннинг ривожланиши фақат жамиятда шаклланишига ишонган.

Форобий нуқтаи назаридан Афлотун фуқаролик жамияти қандай эканлиги ва унда тўғри ҳаёт тарзи қандай бўлиши ҳақидаги масалаларни тушунтириб берган бўлса, Арасту эса фуқаролик илмига киришнинг метафизик умум фалсафий асосларини ишлаб чиққан. Шу сабабдан ҳам Форобийнинг фикрича, фуқаролик жамияти ҳақидаги ҳар иккала файласуфларнинг фикрлари бир-

бирларини тўлдиради. Бири амалий бири назарий жихатдан бир-бирларини тўлдирганда, биргаликда бир бутун яхлитликни ташкил қилишди.

Шунингдек, Форобий инсонлар ўртасидаги нотўғри муносабатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Ана шундай муносабатга кўра инсонлар ўртасидаги ўзаро мухаббат, ўзаро алоқадорлик на уларнинг табиатига кўра на иродасига кўра мавжуд бўлмайди. Уларда фақат ўзаро бир-бирига нисбатан нафрат ва бир-бирига нисбатан антипатия мавжуд бўлади. Икки одам фақат ўзаро зарурият туфайли, яъни бирон-бир нарсага мухтожлик туфайли бирлашади деган қараш мавжуд. Абу Наср Форобий бундай муносабатни қоралайди.

Одамлар бир-бирини яхши кўрмайди, фақат ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида бирлашади. Одамларни бирлашишига яна бир сабаб бўла оладиган нарса бу – одамларга куч ишлатиш. Куч ишлатиб, бошқа халқларни ўзига қул қилиб олиш натижасида ҳам жамият кенгайиб боради дейди. Шу билан биргаликда Форобийнинг айтиши бўйича баъзи бир одамлар ўртасидаги алоқанинг асосида ўзаро келишув ёки ваъда ётади, ана шу битм асосида хоҳламасаларда бирлашадилар. Шу билан биргаликда одамлар ўртасидаги алоқадорликни уларнинг бир жойда яшашлари, ахлоқи ва тили орқали ҳам тушуниш мумкин.

Фалсафа соҳасидаги энг буюк ютуқлар нафақат мусулмон олами ёки Шарқ ўлкаларига таъсир қилган балки, илм-фан соҳасида инсоният эришган ютуқларнинг сараси Ўрта Осиёлик олим Абу Наср Форобий номи билан боғланган. Олим антик фалсафани ислом билан зийнатлаб, уйғунлаштириб, келиштиришга урунди. Бунда у инсон, инсоннинг моҳияти, уни тушуниш, Раис, пайғамбар, файласуф, жамият масалалари ва тинчлик ғояларини ўз рисолаларида ифодалади. У Афлотун ва Арасту меросини қайта ишлаб чиқди. Европа Форобийнинг араб тилидаги асарлари орқали Афлотун ва Арастуларнинг қарашлари билан янада кенгроқ таниша олди.